



# MILLIY TIKLANISH

9 (545) ● 2019 йил 6 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## КЎМИРЧИЛИК ТАРМОҒИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 март куни кўмир қазиб олиш тармоғини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Кўмирчилик ёқилғи-энергетика таъминотининг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари, аҳолининг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ муҳим соҳалардан бирidir.

Юртимизда ҳар йили аҳоли хонадонларига 1 миллион тонна, ижтимоий соҳа объектларига 400 минг тонна кўмир етказиб берилади. Янги Ангрен ва Ангрен иссиқлик электр станцияларида энергия ишлаб чиқариш учун 4 миллион тонна кўмир ёқилади.

Йиғилишда конларнинг салоҳияти юқори бўлса-да, кейинги йилларда кўмир қазиб чиқариш режалари бажарилмаётгани, тармоқдаги тизимли муаммолар бартараф этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Масалан, конлардаги техника ва технологиялар эскирган. Асосий хомашё базаси бўлган Ангрен конида янги шахталар очиш ишлари

ортада қолган. Карьерларнинг қиялик бурчаги белгиланган меъёрдан ошиб, қазиб ишлари хавfli даражага етган.

Шу каби масалаларни тез ва самарали ҳал этиш учун "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятини профессионал ташқи бошқарувга бериш мўлжалланмоқда.

Йиғилишда Ангрен конидаги ҳолатни яхшилашга қаратилган ишларни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг яқин ва узоқ истиқболда кўмирга бўладиган талабини максимал даражада қоплаш учун Ангрен конини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлигини мустақамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Молия ва Энергетика вазирликларига кўмир нархи тарифларини оптималлаштириш, тармоқнинг рентабеллигини ошириш, инвестиция харажатларини қоплаш бўйича топшириқлар берди.

Кон очиш ишларини самарали ташкил этиш

учун транспорт воситалари паркинни янгилаш лозимлиги қайд этилди. Мутасаддиларга зарур самосвал ва бошқа махсус техника воситаларини энг мақбул таклифлар асосида харид қилиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, бугунги кунда қазиб олиш ишларида фойдаланилмаётган техникалардан воз кечиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш чораларини кўриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ангрен конининг жанубий чегарасига яқин жойда яшаётган аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасига юқорида қайд этилган масалалар, хусусан, "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш, бу борада профессионал ташқи бошқарувчини жалб этиш, тармоққа замонавий технологияларни жорий қилиш ва кўмир сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

### Туризм — истиқболли соҳа

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА ЎТГАН ЙИЛИ 311 МИНГ САЙЁҲ КЕЛДИ

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгаши ташаббуси билан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Республика "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармалари ҳамда "Микрокредитбанк" АТБ вилоят бўлими билан ҳамкорликда "Мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи: туризмнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш йўллари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда соҳада олиб борилаётган ислохотлар, муаммо, мақсад ва вазифалар муҳокама этилди.**

Таъкидланганидек, ЎзМТДП Марказий кенгаши Президентимизнинг 2017 йил 12 июлдаги видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар Дастурини қабул қилган. Унга асосан вилоятдаги партия ташкилотлари "Пресс-тур" лойиҳаси доирасида депутатлар, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудда ташқи ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳларга қулай шароит яратиш бораидаги ишларни ўрганди.

3-бет

### Аччиқ, аммо очик гаплар...

## ОМБОРХОНАГА АЙЛАНГАН ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИК

унга зудлик билан эътибор қаратиш зарур

**Соҳибқирон Амир Темур "Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг", дея бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, юртимизда тарихи минг йилларга бориб тақаладиган меъморий обидаларимиз бутун дунёга маълуму машҳур. Қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳридаги сингари Фарғона водийсида ҳам кишини ҳайратга солувчи тарихий ёдгорликлар бисёр. Айниқса, Кўқон ва Марғилон шаҳарларида кўп қабатли тарихий-маданий масканлар, нодир ёдгорликлар масжиду мадрасалар қад ростлаган. Биргина Марғилон шаҳрининг ўзида жами 41 маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан 33 таси меъморий, биттаси монументал ёдгорлик ва 7 таси диққатга сазовор маскандир.**

Афсуски, бугун ушбу ёдгорликларнинг барчаси ҳам кўзни қувонтирадиган аҳволда эмас. Истибод тузуми давридаги кўп йиллик эътиборсизлик натижасида айрим иншоотлар бузилган, кўп қабатли масжидлар омборхона ёки бошқа мақсадларда фойдаланилгани боис, бугунги кунда авария ҳолатига келиб қолган.

4-бет

### Депутатлик назорати

## ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА?

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари сайлов округларида бўлиб, фуқароларнинг муаммоларини ўргандилар.**

Жойларда ечимини кутаётган ижтимоий-иқтисодий, маиший муаммоларни бартараф этиш, ҳудудлар раванқига тўсиқ бўлаётган масалаларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга эътибор қаратдилар.

3-бет

### Келгуси сонда

**Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг бирламчи ҳаётий мезони эса хотин-қизларимизнинг розилигини таъминлаш. Аёлнинг ўз ҳаётидан розилиги — бу оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлиги демек...**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси тахририяти ҳамкорлигида ташкил этиб келинаётган "Ўзлик ҳақида суҳбат" лойиҳасининг навбатдаги меҳмони — таниқли жамоат арбоби, партияимиз фахрийси Дилбар Фулмова билан бўлган суҳбатда айтиш масалаларга эътибор қаратилди. Суҳбатни газетамизнинг кейинги сониди ўқишингиз мумкин.

### Фракция позицияси

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ СОҲА — АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИДАН ТИНЧЛИК МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳасига оид қонун лойиҳалари муҳокама этилди.**

Йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Дастлаб депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

2-бет



### Президент ташрифидан сўнг...

## ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ — ФАОЛИЯТИМИЗ ДАСТУРИЛАМАЛИ



**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19 февралда Сирдарё вилоятига ташрифидан сўнг ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги янгилашлар, маънавий юксалишлар ҳар бир давлат органи, ташкилоти, қолаверса, ҳар бир юртдошимизни янада сергакликка ундади десак, муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифи вилоятни янада ривожлантириш, унинг истиқболи учун янги йўналиш ва вазифаларни белгилаб берди.**

Шиддат билан кечаётган ана шу жараёнда сиёсий партияларнинг ҳудудий ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиши талаб этилади. Айни шу мақсадда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда партия Сирдарё вилоят

кенгаши томонидан Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи муносабати билан "Олиб борилаётган ислохотларни янада жадаллаштириш жараёнига муносиб ҳисса қўшиш — фаолиятимиз дастуриламали" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасини [www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz) сайтида, шунингдек, [fb.com/milliytiklanish](https://fb.com/milliytiklanish), [t.me/milliytiklanish\\_uz](https://t.me/milliytiklanish_uz) ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда!

"Milliy tiklanish" —

мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 158





Фракция позицияси

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЯНГИ СОҶА — АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИДАН ТИНЧЛИК МАҚСАДИДА ФЙДАЛАНИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА



« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Йиғилишда "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасига кўра, атом энергиясидан фойдаланиш тизимининг ҳуқуқий асосларини ташкил этиш, амалдаги бу борадаги барча меъёр ва қоидаларни унификация қилиш, атом энергиясидан фойдаланишда юридик шахс ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий қонунчиликка халқаро тажрибанинг энг

самарали механизмларини жорий этиш вазифалари кўзда тутилмоқда, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жуманазар Отажонов. — Қонун лойиҳаси билан атом энергетикаси соҳасида Вазирлар Маҳкамаси, атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича ваколатли орган — Энергетика вазирлиги ва унинг ҳузуридаги атом энергетикасини ривожлантириш ("Ўзатом") агентлиги ҳамда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари белгиланмоқда. Атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида хавфсизликни давлат томонидан тартибга солиш тизими жорий этилмоқда, хавфсизликни тартибга солувчи бошқа

давлат органларининг ваколатлари белгиланмоқда. Атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш, ушбу йўналишда фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш, давлат назорати, ядро қурилма хавфсизлигини даврий баҳолаш, сақлаш пунктлари бўйича тартиблар белгиланаётди. Умуман, атом энергетикасидан фойдаланиш соҳасидаги барча муносабатларнинг тартиб-қоидалари, жавобгарлик масалалари ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланмоқда.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг мазмуни ва аҳамияти хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Таъкидланганидек, унинг қабул қилиниши атом энергетикасидан тинч мақсадларда фойдаланиш ва соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, ионлаштирувчи нурланишнинг салбий таъсиридан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш тизимини шакллантириш ҳамда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилашга хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Муҳтарам КОМИЛОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

Президент ташрифидан сўнг...

## ИСЛОҶОТЛАР ЖАРАЁНИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ — ФАОЛИЯТИМИЗ ДАСТУРИЛАМАЛИ



« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Президентимизнинг ташрифи давомида ўртага ташланган масалалар, белгилаб берилган устувор вазифалар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди, — дейди давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, партия фракцияси аъзоси Алишер Ҳамроев. — Хусусан, давлатимиз раҳбарининг вилоят ёшларини мусиқа ва санъатга қизиқтириш борасидаги

таклифи долзарб аҳамиятга эга. Айниқса, Маданият вазирлигига зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, мактабларда шанба ва яқшанба кунларини "Маданият куни" деб эълон қилиш, маҳорат дарсларини ўтиш, вилоятнинг ҳар бир туман ва шаҳри аҳолисининг мусиқа ва санъатга бўлган эътиборини янада кучайтириш мақсадида уларга Ўзбекистон халқ артистлари ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистларни бириктириш таклифи бу борада яхши самара бериши шубҳасиз. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳам давлат раҳбарининг маънавият ва маданият соҳасига оид танқидий фикрлари ҳамда таклифларидан келиб чиқиб, ушбу соҳа

\*\*\*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят кенгаши ҳам давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида давра суҳбати ташкил этди. Унда, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари, партия фракцияси аъзоси Нодиржон Мухторов ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодиров иштирок этди.

— Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ҳудуд хусусияти ва имкониятидан келиб чиқиб янги корхоналар ва иш ўринлари ташкил этишга оид топшириғига асосан вилоятда комплекс ишлар амалга оширилмоқда, — деди Нодиржон Мухторов. — Айниқса, Чортоқ ва Тўрақўрғон туманларида амалга оширилиши кўзда тутилган бир қатор амалий ишлар ҳудудда зиёрат, тиббий ва экотуризмни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар эшигини очди. Ташриф давомида Тўрақўрғон туманидаги Ахсиент археологик ёдгорлик мажмуасининг тарихини илмий асослаган ҳолда чуқур ўрганиш, аждоқларимиз ўтмиши ҳақида маълумотларни тўплаш ва ёш авлодга етказиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш кераклиги таъкидланди. Дарҳақиқат, мазкур ёдгорлик вилоят сайёҳлик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган масканлардан биридир. Шундай экан, унинг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш,

билан боғлиқ амалга ошириладиган ишларини қайта кўриб чиқиши, белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда партия вакиллари ва депутатлар фаол иштирок этиши, ўз ваколатларидан самарали фойдаланиши зарур.

Шунингдек, давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Қулматов, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва партия фаоллари ушбу ташриф чоғида илгари сурилган барча таклиф ва вазифа вилоят раҳбарига хизмат қилишини таъкидладилар. Бунинг учун барча шарт-шароит, кадрлар салоҳияти етарли эканлиги, партия вакиллари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиши қайд этилди.

Яқунда билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашининг келгусида амалга ошириши лозим бўлган вазифалари белгилаб олинди.

**Дилобар КАТТАБЕКОВА,**  
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

бу масканга сайёҳларни кенг жалб этиш зарур. Мазкур жараёнда ЎзМТДПнинг Наманган вилоят кенгаши ҳам партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фаол ва ташаббускор бўлмоғи лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи чоғида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ҳамда партия ташкилотларининг иштироки юзасидан чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Унга кўра, партия ташкилотлари ва депутатлар вилоятда туризмни ривожлантириш, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижросига кўмаклашиш, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида тарғибот ишларини олиб бориш, кутубхоналар фаолиятини ўрганиш ишларида иштирок этадилар. Шунингдек, ташриф давомида белгилаб берилган устувор вазифалар мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида жойларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш жадвали ҳам тасдиқланди.

**Дилноза АЗИЗОВА,**  
ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Дил изҳори

## ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли улар ҳаёти-мизинг турли соҳаларида самарали фаолият юритиб, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини янада ошириш жараёнида сиёсий партиялар, жумладан, "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг "Аёллар қаноти" ҳам фаол иштирок этмоқда. Шу боис, партия сафида фаол ва ташаббускор аёллар кўпаймоқда.



**Зумрад БЕКАТОВА,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариши учун шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, сиёсий партиялар муҳим ўрин тутди. Чунки, жамоат ташкилотлари бугунги кунда замонавий фуқаролик жамиятининг муҳим институтига айланмоқда. Бу йилдан эътиборан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни тайёрлаш ва 2019 йилги сайловларда хотин-қизлардан номзодлар кўрсатилишини 50 фоизгача етказиш ҳамда депутатлар орасида уларнинг улусини 30 фоиздан кам бўлмаслигига эришиш олдимида турган муҳим вазифалардан бири саналади. Хотин-қизларимизнинг ўзига ишончи, дадил сазй-ҳаракатлари, сиёсий-ҳуқуқий имкониятлардан кенг фойдаланиш истаги ва, албатта, жамият ва давлат идоралари фаолиятидаги иштироки партияимиз нуфузини янада оширишга хизмат қилади, мақсад ва вазифаларимиз ижросига қанот бағишлайди.



**Анора БОБОМУРОВА,**  
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Юртимизда хотин-қизларнинг ижодий ва касбий салоҳиятини юзага чиқариши учун барча шароит яратилган. Шу боис, бугун қай бир жабҳа, қай бир соҳани олманг, албатта, хотин-қизларнинг муносиб ўрнини кўраемиз. Нафақат шаҳарлар, балки энг чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшлар, хотин-қизларга алоҳида эътибор ҳам таҳсинга сазовор. Ёнг аҳамиятисиз, хотин-қизларга эътибор бугун чин маънода давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори туфайли аёллар юксак мавқега эга бўлди, ишлаб чиқариш, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу бизнинг кундалик турмушимиз, иш фаолиятимиз, ҳаракат ва интилишларимизда ўз ифодасини топмоқда.

Бугунги ўзбек аёли дунёдаги энг бахтли аёл. У соғлом фарзандларнинг онаси, файли хонадон, фаровон рўзгор бекаси. Жаннат оналар оёғи остида, деб билган жаннатмонанд юртнинг эрка, бахтиёр фуқароси. Оналаримизнинг тилаклари, дуолари ижобат бўлмай: Ўзбекистонимизнинг озодлиги ва ободлиги абадий, мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик боқий бўлсин!

Сайловчилар нима дейди?

Ҳар қандай катта-кичик масала инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бир қарашда арзимасдек туюлган оддий маиший муаммо ҳам баъзан одамни ойлаб овора-ю сарсон қилиши мумкин. Ана шундай кезларда оғирининг энгил қилиниши, оддий одамлар ҳаётида дахлдор масалаларнинг ҳал этилиши инсоннинг ҳаётга, жамиятга, келажакка ишончини мустаҳкамлаши шубҳасиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиядан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар жойлардаги учрашув ва сайёр қабулларда аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшиб келаятигани ўша ҳудуд аҳолисининг миннатдорлигига сабаб бўлмоқда. Ҳўш, бу борада фуқаролар, сайловчиларнинг ўзлари нима дейди?

## ТАБИЙ ГАЗ МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛДИ

**Алишер ШОКИРОВ,**  
Қўқон шаҳридаги "Уста Бозор" МФЙ раиси:

— Бугун "Халқ — давлат идораларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойил барча раҳбар қатори депутатлар учун ҳам дастуриламал бўлаётди. Юртимизда ушбу тамойил асосида амалга оширилаётган ишлар самараси ҳар бир жабҳада намоён бўлмоқда. Халқ депутатлари Қўқон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Нигора Эгамбердиева "Уста бозор" ҳамда "Ғозийлик" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, аҳолининг муаммолари, йиллар давомида йиғилиб келаятган масалаларимиз билан танишди. Депутат сазй-ҳаракати билан ҳудуддаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга, уйда таълим олувчи ўқувчиларга моддий кўмак берилди.

Ҳар иккала маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда табиий газ муаммо бўлиб келаятган эди. Аҳоли вакиллари юзма-юз мулоқотлар давомида депутатга ушбу масалада амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. Мазкур масала тегишли ташкилот мутасаддилари билан ўрганиб чиқилган, ҳудуддаги хонадонлар табиий газ билан таъминланди.

**Мирзо РАҲМОНОВ,**  
Когон шаҳар Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини:

— Бугун аҳолини иш билан таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилиб, фуқароларнинг бу борадаги мурожаатлари, сазй-ҳаракатлари бесамар кетмаяпти. "Қимирлаган қир ошар", деганларидек айни пайтда астойдил ҳаракат қилган, аниқ мақсад йўлида интилган инсон кам бўлмаёпти.

Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар Зебинисо Абдуллаева ҳамда Санжар Бозоров партиянинг

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасида маҳалламизга келиб, фуқаролар билан учрашувлар ўтказди. Мазкур жараёнда кўплаб маҳалладошларимизнинг турли муаммо, таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш билан бирга, уларни ҳал қилиш чоралари кўрилди. Хусусан, ўзим ҳам вакилларимизга ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилдим. Қувонарлиси, анчадан бери мени қийнаб келаятган ишсизлик масаласи депутатлар кўмагида шу куннинг ўзидеёқ ҳал этилди — Когон шаҳридаги 2-умумтаълим мактабига ишга жойлашдим. Энди шуни фахр билан айта оламанки, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, таълимга янги инновацион технологияларни жорий этиш йўлида сидқидилдан меҳнат қиламан.

**Тўракул АБДУРАҲМАТОВ,**  
Қизриқ туманидаги "Баҳористон" маҳалла фуқаролар йиғини:

— Инсон кундалик ҳаётини ташвишлар сабаб турли идора вакиллари, мансабдорлар билан рўбарў келади. Баъзан кўлами кенг муаммолар ҳам бирпасда ҳал бўлиши, айрим ҳолларда эса майдагина муаммоинг учун ҳам кунлаб, ойлаб кимнингдир олдида "юзингни сарғайтириб" юришингга тўғри келади.

Барча тўловни амалга оширганимизга қарамай уй-жойимизнинг кадастр ҳужжатларини икки ойдан буён ололмаётган эдик. Маҳалламизда ЎзМТДП вакиллари ташаббуси билан ўтказилган сайёр қабулда мазкур масала юзасидан халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Олим Эшпўлатовга мурожаат қилдим. Депутат туман ер-кадастр бўлими раҳбарига депутатлик сўрови юборди. Хуллас, қисқа фурсат ичида уй-жойимизнинг кадастр ҳужжатлари тайёр бўлди. Уй-жойга эгалик қилиш ҳақидаги туман ҳокими қарори ҳам чиқди. Муаммомиз депутат кўмагида осонгина ҳал бўлди. Мурожаатим эътиборсиз қолмаганидан миннатдорман.

**Муҳтарам РАМАЗОНОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири



# ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



## Иккита мақбара таъмирга муҳтож

Парламент кўйи палатаси Спикери ўринбосари, ЎЗМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов Хоразм вилоятининг 108-Ҳазорасп сайлов округи ҳудудида бўлиб, сайловчилар билан учрашди. Депутат дастлаб “Бешта” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини ўрганди.

Фуқаролар ўзларини қийнаётган бир қатор муаммолар юзасидан ердан сўраб мурожаат қилдилар. Хусусан, “Бешта” МФЙ раиси Отахон Саидов Мевазор кўчасида жойлашган қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) филиали 2019 йилда фаолиятини тўхтатгани боис маҳалла аҳолиси тиббий хизматдан фойдаланиш учун худуддан анча олисда жойлашган ҚВПга қатнашга мажбур бўлаётганлигини билдирди. Фракция раҳбари тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда мазкур қишлоқ врачлик пункти филиали фаолияти нега тўхтатилганини ўрганди. Шундан сўнг масала ижобий ҳал этиладиган бўлди — ҚВП фаолиятини тез орада қайта тиклашга келишиб олинди.

Сарвар Отамуратов худуддаги ўрганишлар давомида халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳам қатнашди. Сессияда туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи ташаббуси билан Ҳазорасп тумани ҳудудида жойлашган маданий мерос объектларининг сақланиш ҳолати ва бугунги кундаги аҳоли ҳамда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг худуддаги ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳофаза этилди.

Сессияда таъкидланганидек, туманда бугунги кунда 23 маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, шундан археологик ёдгорликлар 7 та, архитектура ёдгорликлари 10 та ва монументал санъат ёдгорликлари 6 тани ташкил этади. Ушбу маданий мерос объектларининг бир қисмида қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилган.

— Партия гуруҳимиз аъзолари ва ЎЗМТДП фаоллари мазкур масалани ўрганиш жараёнида худуддаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ишлари қай даражада йўлга қўйилгани, белгиланган тартибда давлат кадастр рўйхатидан ўтказилганлиги, объектларнинг муҳофаза чегаралари белгиланганлиги каби ҳолатларга эътибор қаратди, — дейди халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи раҳбари Эркин Искандаров. — Тумандаги обидаларнинг барчаси тарихий ва эътиборга молик объектлар ҳисобланиб, улар орасида энг қадимийси Ҳазорасп қалъаси, яъни “Сулаймон қалъа” археологик ёдгорлигидир. “Сулаймон қалъа” археологик ёдгорлиги нафақат кўҳна Хоразм воҳаси, балки Марказий Осиёдаги энг қадимий ёдгорликлардан биридир. Ушбу объектни тиклаш ва сақлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Мухомон қишлоғида жойлашган XVI–XVIII асрларга оид Музробшоҳ Хоразмий мақбараси қайта таъмирланиб, аҳолининг сеvimли зиёратгоҳига айлантирилган. Тарихий обида ҳисобланувчи Жума масжидида ҳозирги кунда тадбиркорлар ва саховатпеша инсонлар ердами билан қарийб 600 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилган. Масхид атрофидаги ноқонуний қуриilmалар, уй-жойлар бузилиб, олд томонидаги қудуқ тозаланди ва қайта таъмирланди.

Партия гуруҳининг ахборотига кўра, туманда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар билан бирга бир қатор ёдгорликларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишга эҳтиёж бор. Масалан, Питнак қишлоғи Пастом маҳалласида жойлашган Абул Маржон Саид Ваққос мақбараси таъмирталаб аҳволда. Мақбара атрофи ва унга олиб борадиган йўлакка бетон ётқизиш, ёдгорлик худудини ободонлаштириш зарур. Янгибозор қишлоғида жойлашган Шайх Қосим бобо мақбараси ҳам таъмирга муҳтож. Бино лойдан қурилганлиги боис ёмғирда ивиб, кўчиб туша бошлаган. Бунинг олди зудлик билан олин-маса, мақбарага жиддий зарар етди. Бундан ташқари, мақбарага олиб борувчи йўлакка тош ётқизиш лозим.

Янгибозор қишлоғидаги яна бир ёдгорлик — Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишланган мажмуа деворига бўртма шаклда ишланган хайкаллар ҳам таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Шунингдек, Ҳазорасп туманининг рамзи сифатида 1977 йилда бунёд этилган “Минг отлик хайкали” монументал санъат ёдгорлигида реставрация ва ободонлашти-

риш ишларини амалга ошириш зарур.

Сессияда тумандаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш масаласи қизгин муҳокама этилди. Фракция раҳбари бу борада ўзининг амалий тақлифларини билдирди. Яқунда соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, тарихий масканларни асл ҳолича сақлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## Таълим масканларидаги аҳвол мақтагулик эмас

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Ўрол Ҳайтов сайловчилар билан мулоқот қилиш мақсадида Чироқчи туманининг “Соҳибкор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 22, “Чимкўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини Чимкўрғон қишлоғидаги 23, “Янгиқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини Ургулсой қишлоғидаги 25, “Пахтабод” маҳалла фуқаролар йиғини Пахтабод қишлоғидаги 24-умумтаълим мактабларида учрашувлар ўтказди. Уларда мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, педагогик жамоалар олдида турган вазифалар, ёшлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар тўғрисида фикр алмашилди, таълим муассасаларидаги муаммолар ўртага ташланди.

Юзма-юз мулоқотларда қайд этилганидек, таълим масканларида синфхоналар етишмайди, уларга тўшалган линолиумлар яроқсиз ҳолга келиб қолган, натижада бетон поллар синфхоналарнинг захлигини оширмоқда. Айрим мактабларда эса фан хоналарининг ҳолати талаб даражасида эмас, географик карталар жамланмаси билан таъминланмаган.

Шунингдек, учрашувларда фуқароларни қизиқтирган саволлар, аҳолини йиллар давомида ўйлантириб келаётган муаммо ва масалалар муҳокама этилди. Жумладан, худудда кўпчиликини қийнаётган бандлик, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи ҳамда йўллар ҳолати юзасидан мурожаатлар бўлди.

Депутат аҳоли вакиллари билан мулоқотлар давомида кўтарилган муаммолар, худуддаги ўрганишлар мобайнида гувоҳ бўлинган масалаларга тегишли мутасаддилар билан биргаликда ечим топиш чораларини кўрди.

## Зимистон кўчалар ёруғ бўлади

Қонунчилик палатаси депутати Дилфуза Жалилованин-нинг 112-Қарши сайлов округи ҳудудидаги учрашувлари ҳам самарали кечди.

Қарши шаҳридаги “Геолог” ва “Табассум” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан 9-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотда фуқаролар депутатга бир қатор муаммолар юзасидан мурожаат қилдилар. Хусусан, “Геолог” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 10-“А”-кўп қаватли уйнинг том қисми таъмирталаб бўлиб қолган; ёнгирқорчилик бўлиши билан томдан сув ўтади. Шунингдек, 10-“А” ва 12-кўп қаватли уйларнинг электр “щит”лари ҳам таъмирга муҳтож. Шу боис электр таъминотида тез-тез узил-шиллар содир бўлиб туради.

Насаф кўчаси Геолог чорраҳаси ҳар доим транспорт воситалари ва пиёдалар билан гавжум бўлади. Шу боис ушбу худудга йўл чироқлари ўрнатиш ва пиёдалар ўтиш йўлакчасини белгилаш зарур. Фуқароларнинг ушбу мурожаати тегишли мутасаддилар билан муҳокама этилди.

“Табассум” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Холмат Дилмуродов Қарлиғобод кўчасида кечки ёритиш чироқлари йўқлиги одамларга қийинчилик туғдираётгани юзасидан мурожаат қилди. Мазкур мурожаат ҳам тегишли мутасаддилар билан ҳамкорликда тез орада ҳал этиладиган бўлди.

## Жўяли тақлифлар ўртага ташланди

99-Фарғона сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Шерзод Раҳимовнинг сайловчилар билан навбатдаги учрашувлари “Бешбола”, “Ифтихор” ва “Шодиёна” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Учрашувларда мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот ва тушунтиришлар берилди. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг” “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да

амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда унда белгиланган устувор вазифалар тўғрисида фикрлашилди. Бундан ташқари, депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган ва кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари, қонун ижодкорлиги бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам батафсил маълумот берди.

Депутат худудларда тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, имтиёзли кредит ажратилиши, янги иш ўринлари яратилиши, меҳнат ва бандлик муносабатлари, пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар тўланиши билан яқиндан танишди.

Учрашувлар давомида фуқароларнинг муаммо ва тақлифлари ўрганилди. “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Муҳаммадсодиқ Садилов шаҳар транспортда пенсионерларга 50 фоиз имтиёз бериш, Мамлакатхон Файзиёва эса мутахассислиги бўлмаган ёшлар учун Бандликка кўмаклашиш марказларида касбга ўқитиш курсларини очиш бўйича тақлифларини билдирди.

“Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Хўрматов Ашурова депутат билан мулоқот чоғида ўғли Шаҳбоз Абдумўминов 3 йил олдин коллежни тамомлагани, аммо ҳозирда ишсиз эканлигини айтиб, уни ишга жойлаштиришда кўмак сўради. Мурожаат ўрганиб чиқилиб, фуқарога мутахассислиги бўйича бўш иш ўринлари тақлиф этилди.

Мазкур худудда яшовчи яна бир фуқаро Хулқарой Каримова ҳозирги кунда иссиқлик таъминотидаги муаммолар юзасидан мурожаат қилди. Ўрганишлардан кейин фуқарога иссиқлик энергияси тизими қайта таъмирланаётганлиги учун ушбу худудда узил-шиллар бўлаётганлиги тушунтирилди.

## “ҲАМКОРБАНК” маблагни ўз вақтида беролмади

Андижон вилояти 17-Қўрғонтепа сайлов округидан Қонунчилик палатасига сайланган депутат Абдурашид Тўхтабоев Қўрғонтепа туманидаги сайловчилар билан учрашиб, уларнинг ижтимоий, иқтисодий муаммолари ечимини топишга кўмаклашди. Депутат дастлаб тумандаги 4-умумтаълим мактабида бўлиб, ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган шароитлар билан танишди.

Ушбу мактабни замонавий талаблар асосида қайта таъмирлаш ишлари қарийб ўн йил олдин бошланган эди. Аммо 2011 йилда қўшимча ўқув хоналари ҳамда турли тадбирлар ўтказиш учун мажлис залининг қурилиши якунига етказилмай тўхтаб қолган. Ҳозирда эски бинода 212 нафар бошланғич, янги бинода эса 204 нафар оқори синф ўқувчилари таълим олмақда. Халқ вакили ушбу масала юзасидан Андижон вилоят ҳокими номига депутатлик сўрови киритди.

Эшон қишлоқ маҳалласи худудида табиркор Равшанбек Аҳмедов томонидан “XXI аср болажонлари” хусусий нодавлат мактабгача таълим муассасаси бунёд этилмоқда. Шу кунгача тадбиркор томонидан 100 ўринли богчани бунёд этишга бир миллиард сўм маблаг сарфланди. Қурилиш ишларини якунлаш ҳамда ушбу масканни талаб даражасида жиҳозлаш учун “Ҳамкорбанк”нинг туман филиалидан ажрати-лиши лозим бўлган 590 миллион сўм маблаг вақтида берилмаган. Депутат ушбу масала бўйича мактабгача таълим вазирига депутатлик сўрови билан мурожаат қилишини билдирди.

ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Авазбек Жалилов Балқичи туманида бўлиб, фуқаролар мурожаатларини ўрганди, ижтимоий соҳа объектларини кўздан кечирди. “Гуравон” маҳалла фуқаролар йиғинининг биноси бугун таъмирга муҳтож бўлиб қолган. Депутат маҳалла фаолларининг бу борадаги мурожаатлари асосида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлини маси билан боғланди. Мазкур бинони таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилишига келишиб олинди. Масала ечимини Балқичи тумани ҳокимлиги ўз назоратига олди.

Тумандаги ўрганишлар давомида “Ўртақўрғон” МФЙ худудидаги қишлоқ оилавий поликлиникаси фаолияти билан ҳам танишилди. Депутатлик назорати мобайнида мазкур тиббиёт маскани хизмат кўрсатиш талабларига тўла жавоб бермаслиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб туман тиббиёт бирлашмаси раҳбариятига ушбу қишлоқ оилавий поликлиникаси фаолиятини яхшилаш, унинг аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан талаб ва тақлифлар билдирилди.

Юртимизда инсон манфаатларига олий қадрият сифатида қаралаётган айни пайтда ЎЗМТДП фракцияси аъзоларининг жойлардаги учрашувлари, аҳоли муаммоларига қўлқў тутиб, уларни ҳал этиш чораларини кўраётгани сайловчиларнинг ЎЗМТДПга нисбатан ишончини оширади. Парламент вакилларининг ҳар ойда жойларга чиқиб амалиёти бугун яхши самара бермоқда. Бу, ўз навбатида, парламент ва депутатлик назоратини муваффақиятли амалга ошириш, қонун ижодкорлиги сифатини юксалтириш, энг муҳими, аҳолининг халқ вакиллари ва давлат идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаёти фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаётган.

ЎЗМТДП ташкилотлари материаллари асосида “Milliy tiklanish” мухбири Мухтарома КОМИЛОВА тайёрлади

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бунда аэропорт, темир йўл вокзали, йўллар инфратузилмаси, туман ва шаҳарлардаги маданий мерос объектларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди. Ўрганишлар жараёнида эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан манзилли тақлифлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 389 моддий маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, уларнинг 286 таси археологик, 71 таси архитектура, 32 таси монументал санъат ёдгорликларидир. Улар партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда бир қатор ҳамкор

# НАВОИЙ ВИЛОЯТИГА ЎТГАН ЙИЛИ 311 МИНГ САЙЁҲ КЕЛДИ

Лекин бу вилоят салоҳияти даражасида эмас



ташкilotлар кўмагида тўлиқ ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижалари юзасидан сессиялар кун тартибига ташаббус-масалалар киритилди. Хусусан, ушбу масала халқ депутатлари Навоий вилоят, Нурота, Хатирчи, Кармана, Навбахор, Учқудуқ, Томди туманлари Кенгаши сессияларида муҳокамага қўйилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу эса мамлакатнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга, жумладан, экскурсион фаолиятга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Туристлик маҳсулот сифатини таъминлашда бевосита сайёҳлар билан ишловчи гид ва экскурсоводлар муҳим роль ўйнайди. 2019 йилнинг 20 февралда Ўзбекистон Республикаси гидлар уюшмаси тузилгани Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда муҳим қадамлардан бири бўлди.

— Ушбу йил давомида вилоятда жами 311 мингга яқин сайёҳ келган, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Зойир Ҳороқов. — Уларнинг 16 мингга яқини хорижий ва 295 минг нафарини маҳаллий сайёҳлар ташкил қилади. Эътиборлиси, хорижий сайёҳлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 189 фоизга ошган. Вилоятда 2019–2020 йилларда туризм салоҳияти ва инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида ташаббускорлар маблаглари, банк кредитлари, хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобидан жами 112 миллиард 305 миллион сўм миқдоридagi 18 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар асосида 338 янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, соҳани ривожлантириш бўйича Қонимех туманининг Айдарқўлга яқин худудда атрофида экомехмонхоналар, дам олиш комплекслари ҳамда кўнгилчар масканларни ўз ичига олувчи экзотик маскан барпо этиш, Навбахор туманида жойлашган Сармишсой дараларида дам олиш маскани ва “Ақваларк” қуриш режалаштирилмоқда. Қизилтепа туманидаги Тўдақўл худудида дам олиш масканини қуриш ва экотуризм ҳамда агротуризмни, Кармана ва Нурота туманларида зиёрат туризми, Зарафшон шаҳар, Учқудуқ ва Томди туманларида “Safari tour” ҳамда экстримал туризмни ривожлантириш режалаштирилган.

Юртимизда туризмни ривожлантиришда миллий хунармандчилигини мизининг ҳам алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда вилоятда ушбу соҳа анча кенг тарқалган бўлиб, хунармандлар фаолиятини янада ривожлантириш, муносиб меҳнат шароитини яратиш мақсадида уларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланаётганлар учун янада кенг имкониятлар эшиги очилди. Мазкур фармонда “2018–2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг йиғма дастури” тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ, Навоий вилоятида 5 миллиард 177 миллион сўмлик жами 132 лойиҳани амалга ошириш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилган. Бугунги кунга келиб эса вилоят бўйича 14 миллиард 653 миллион сўм миқдорда 550 лойиҳа амалга оширилди. Хунармандчиликни ривожлантириш орқали 2018 йил бошидан Навоий вилояти бўйича уста ва шогирдлар ҳисобидан 3 минг 225 янги иш ўрни ташкил этилди. Ўтган йил якунига кўра, “уста-шогирд” мактаблари сони 425 тага етган. 2 минг 83 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 27 та шундай мактабга 133 нафар шогирд жалб этилди.

— Президентимиз 2018 йил 2 март кунин Навоий вилоятига ташрифи чоғида Кармана туманида “Хунармандлар маркази”ни ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди, — дейди Республика “Хунарманд” уюшмаси Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи Жамшид Жумаев. — Натижада 2018 йилнинг декабрь ойида Кармана туманида “Хунармандлар маркази” фойдаланишга топширилди. Марказ икки қаватдан иборат бўлиб, унда кўرғазма зали, хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш хоналари, қадимий шийпонлар кўринишида жиҳозланган мулоқот хоналари ҳамда хунармандлар чойхонаси ташкил этилган. Кўрғазма залига республика бўйича энг сара хунармандчилик намуналари жамланган 600 миллион сўмлик маҳсулотлар келтирилди. Вилоятга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар ҳамда маҳаллий аҳоли уларни харид қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Давра суҳбатда таъкидланганича, айни пайтда марказда 30 нафар малакали уста-хунарманд фаолият олиб бормоқда. Аммо мизгарлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, атлас ва адрас тўқиш сингари хунармандлик йўналишлари бўйича мутахассислар етишмайди. Шу боис қўшни вилоятлардан мазкур йўналишда мутахассислар чақиртирилиб, марказда навоийлик хунармандлар учун маҳорат дарсларини ташкил этиш режалаштирилган.

Қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган учрашувда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олди.

Абдували БҮРИЕВ,  
ЎЗМТДП Навоий вилоят кенгаши  
етакчи мутахассиси



Аччиқ аммо очик гаплар...

## Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бироқ истиқлолга эришганимиздан сўнг чорак асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз эътибордан четда қолган, вайронага айланаётган ёдгорликларнинг мавжудлиги таассуфланарли.

Шундай объектлардан бири Марғилон шаҳри "Узунхонув" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган жомеъ масжидидир. Ушбу мезморий обида XIX асрда Худойёрхоннинг иниси Султон Муродбек Марғилон шаҳрига ҳоким

аянчли аҳволга келиб қолган. Унга ёндош хонадонларда истиқомат қилаётган аҳоли бу ердан омборхона ва бошқа ҳўжалик ишлари мақсадида фойдаланади. Одамларга буюмларини олиб кетишини кўп бор ўқтирганмиз. Мана шундай тарихий аҳамиятга эга яна бир ёдгорлик — масжиднинг нураб йўқ бўлиб кетиши хавфи юзага келгани у тегишли мутасадди ташкилотлар эътиборидан четда қолаётгани оқибатидир.

Мамлакатимизда тарихий обидалар, маданий мерос объектла-

даний ва археология мероси объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида "ги фармони ижроси доирасида махсус ишчи гуруҳ тузилиб, жойлардаги хароб қолатга келиб қолган қадимжолар бирма-бир кўздан кечирилмоқда, — дейди халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши депутати Шухратжон Мадраҳимов. — Уларнинг алоҳида рўйхати шакллантириляпти. Рўйхатга асосан Маданият вазирлиги томонидан маблағ ажратилиб, Инспекция

## ОМБОРХОНАГА АЙЛАНГАН ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИК

унга зудлик билан эътибор қаратиш зарур



уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини ташкил этади. Ўрганишлар жараёнида Узунхонув масжидининг жорий ҳолати билан ҳам яқиндан танишдик. Лекин шундай бўлса-да, масжид учун қачон маблағ ажратилиб, тиклаш ва таъмирлаш ишлари бошланиши ҳануз мавжудлигича қолмоқда.

Ота-боболаримиз томонидан барпо этилган тарихий обидаларни кўз қорачигидек асраш — бизнинг бурчимиз. Шунингдек, уларни таъмирлаш, қайта тиклаш орқали мамлакатимизда зиёрат туризмни янада ривожлантиришга эришиш мумкин. Шу боис йиллар давомида вайронага айланган тарихий ёдгорликларни тиклаш мамлакатимиз маънавий тараққиётининг бугунги босқичида муҳим аҳамият касб этади. Узунхонув маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги жомеъ масжидининг таъмирланиб, қайта чирой очиши эса исломий қадриятларимизни эъзозлашга ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз. Бу каби сазй-ҳаракатлар ЎзМТДП дастурий вазифалари билан ҳамоханг эканлиги партия вакилларининг янада фаол иштирокини тақозо этади.

**Шарофиддин ҲАКИМОВ,**  
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

этиб тайинланишидан аввалроқ қурилгани тахмин қилинади. Жомеъ масжиди 35x21 метр ўлчамдаги йирик иншоот бўлиб, қишки намозхона ва унга ёндош серустун катта айвондан иборат. Бино шифти ҳамда айвон устунларига фусункор нақшлар чизилган.

— Бу маскан нафақат тарихий обида сифатида қадри, балки аҳолининг диний-дунёвий маънавияти юксалишида ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Узунхонув" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анваржон Бойхонов. — Аммо масжид узоқ йиллардан бери авария ҳолатида, айвоннинг устунлари чириб, томни базур суяб турибди. Бино шифтидаги тарихий аҳамиятга эга нақшлар ўзининг асл ҳолатини йўқотган. Масжиднинг деворлари ёрилиб,

рени қайта тиклаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий-мезърий асослари ишлаб чиқилган. Худудларда Маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг минтақавий давлат инспекцияси мунтазам фаолият олиб бормоқда. Бироқ маҳаллий аҳоли томонидан омборхона сифатида фойдаланилаётган, хароб аҳволдаги тарихий-маданий масканларни кўриб, уларни муҳофаза қилиш, умрини узайтириш ва фойдаланиш борасида мутасаддилар зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан бажармаётганига гувоҳ бўласиз.

— Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги "Моддий ма-

Миллий гуруҳ

"Бахтли ҳаёт кечирини ҳамма хоҳлайди. Аммо ҳаракатсиз натижа бўлмайди. Ота-онам менга доим: "Келажакнинг торлоқ бўлишини истасанг, аввало, мақсадни тўғри қўй ва унга олиб борадиган энг мақбул йўлни топ!" — деб ўқтирарди" дейди Сеул фан ва технологиялар миллий университети талабаси, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Жанубий Кореядаги аъзоси Ақром Аҳмаджонов ва барча ютуқлари дебечасини ота-онасининг тўғри тарбияси маҳсули деб билади.

## АНИҚ МАҚСАД ВА ИМКОНИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда саноат тармоқларини диверсификациялашга қаратилган изчил ислохотлар юртимизда электротехника соҳасининг дунё иқтисодиётида шиддат билан ривожланаётган йўналишларини амалиётга муваффақиятли татбиқ этилишини таъминламоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида Ўзбекистон аграр ўлкадан саноати ривожланган мамлакатга айланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ушбуф ислохотлар ўғил-қизларимизнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини оширмоқда, иқтидорини рўйбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

...Ақром болалигидан илм олиш, айниқса, чет тилларини, математика, физика фанини ўрганишга меҳр қўйди. Мактабдаги дарс билан чекланиб қолмай, инглиз, корейс тили фани бўйича тўғарак машғулотларига қатнашди. Барча фандан аъло баҳоларга ўқиди, кўрик-танловларда фаол иштирок этди. Ота-онасининг қўллаб-қувватлаши, устозларининг таълим-тарбияси, тинимсиз меҳнат мевасини бера бошлади: ютуқлар ютуқларга уланди. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги билимлар беллашувининг шаҳар босқичида бир неча бор ғолиб бўлди. Пойтахтимиздаги 101-умумтаълим мактабида аъло баҳоларга ўқиган Ақром қолган таълимни Жанубий Кореяда давом эттиришни истади. Бунда, албатта, ота-онаси яқин кўмакчи бўлди.

— Фарзандимиз болалиқдан меҳнаткаш, билимга чанқоқ, интилувчан бўлиб ўсди, — дейди онаси Шаҳноза Арипжанова. — Биз ҳам табиийки уни қўллаб-қувватладик: билим олиши учун имкон қадар имконият, шарт-шароит яратишга ҳаракат қилдик. Ўрта таълимдан сўнг у ўқишни Жанубий Кореяда давом эттиришни айтди. Грант-танлов асосида Корея Республикасининг Гёнг машина технологиялари коллежига ўқишга қабул қилинди. Албатта, бу ерда олган билими, тил ўрганганлиги унга катта ёрдам берди.

Коллеждаги дастлабки таълим Ақромни янада тоблаб борди. Ўзбек ва корейс халқининг ўхшаш маданияти, яшаш тарзидаги ўйғунлик уни ўзига мафтун этди. Олий таълимни ҳам шу мамлакатда олиб, келажакда эл-юрт, Ватанимиз ривожини йўлида астойдил хизмат қилишни дилига тугди. Айни пайтда у Сеул фан ва технологиялар миллий университетида машинасозлик йўналишида тахсил олмақда. Шу билан бирга Жанубий Корея тажрибасини чуқур ўрганишга киришган. Келажакда тажрибасини юртимиз тараққиёти йўлида сафарбар этишни ният қилган.

— Бугун Ўзбекистонда Президентимиз ташаббуси, халқимизнинг метин иродаси сабаб жуда катта ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Ақром Аҳмаджонов. — Албатта, бу каби ислохотлар, тараққиёт одими чет элларда тахсил олаётган биз ёшларнинг ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Доим Ватанга қайтиш ҳисси билан яшашмоқдамиз. Келажакда танлаган соҳам бўйича мамлакатимиз тараққиёти, эл-юртимиз фаро-

вонлиги йўлида меҳнат қилишни ўзимизнинг шарафли бурчимиз, деб биламан.

Бугун Ақромнинг аксарият курсдош дўстлари унинг миллати ўзбек эканлигига ишонилмайди. Нега деганда, у корейс ҳамда инглиз тилида ҳам ўз она тилидек раван сўзлайди. Дарсларда доимо фаол қатнашиши, интеллектуал салоҳияти курсдошлари қатори устозлари таҳсинига сазовор бўлаётир.

— Ўзбекистондан келиб тахсил олаётган талабамиз Ақром Аҳмаджонов меҳнаткашлиги, интеллектуал салоҳияти билан бошқа талабалардан ажралиб туради, — дейди Сеул фан ва технологиялар миллий университети ўқитувчиси Ким Ёнг Ун. — Бугун университетимизда дунёнинг турли давлатидан талабалар келиб таълим олмақда. Тўғри, ҳар бир инсоннинг идроки ва фойдали иш коэффициенти турлича бўлади. Ақромдаги шижоат ва самимият ана шу коэффициентни тўғри тақсимлаб туради. Мухими ҳам шу аслида. Инсон ўзининг имконияти даражасида ҳаракат қилиши ва доимо ривожланишда бўлиши керак. Ана шунда кўзланган мақсадга эришилади. Ақромнинг мақсади аниқ, шунинг учун ҳам у тенгдошларидан бир қадам олдинда юради.

2017 йили Жанубий Кореяда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳақида корейс тилида чоп этилган китоб роса шов-шув бўлди. Ақром элчихонамиздан ушбу китобни олиб мутолаа қилди. Ушбу мамлакатнинг етакчи мутахассисларидан бири бўлган Чо Чол Хён муаллифлиги остида ёзилган мазкур китоб унда бир фахр-ифтихор, шараф туйғусини янада алангалатди.

— Мамлакатимиз бугун чин маънода дунёга юз тутмоқда, — дейди Ақром. — Ислохотлар, тараққиёт одимлари, дунё саҳнига чиқиш, халқаро ҳамкорлик ўзбек деган номни юксакларга кўтармоқда. Очиғи Президентимиз ҳақидаги китобни ўқиб кўзимга севинч ёшлари келди. Ўзбекистонда тугилиб ўсганимдан жуда фахрландим. Олиб борилаётган ислохотларнинг самимият билан эътироф этилаётгани Ватанимиз фаровон ва эркин демократик жамият барпо этиш манзили томон отланганидан дарак беради. Албатта, биз ёшлар билим, тафаккуримиз билан бу йўлда ҳамisha камарбастамиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда нафақат Ақром, балки чет элларда тахсил олаётган аксарият ёшларнинг қалбидан шу ўйлар ўтагани табиий. Нуфузли олий даргоҳларда ўқиётган, халқаро танлов, фан олимпиадалари, мусобақа ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, билими, зеҳни билан дунё аҳли ҳавасини уйғотаётган ёшлар чин маънода эртаимиз эгаларидир. Ақром Аҳмаджонов ҳам келажакда илм-фанда янада юксак марраларни забт этиши, соҳасининг етуқ мутахассиси бўлиб фаолият кўрсатишига ишончимиз комил.

**Нигора НИШОНБОВЕВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

## “ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ”

мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси

### АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги вазифалари ижросини амалга ошириш мақсадида 2019 йил апрель ойининг учинчи ўн кунлигида "Ёшлар инновацион фаоллигини оширишнинг долзарб вазифалари" мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилади.

#### Конференциянинг мақсади:

Ёшларнинг жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёндаги ролини кучайтириш, инновацион ғояларни амалга оширишга қаратилган қонун ва қонунности ҳужжатларини такомиллаштириш, ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш каби устувор вазифаларни амалга ошириш, мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш ҳамда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш.

#### Конференция шўъбалари:

1-шўъба: Ёшларнинг инновацион фаоллигини оширишда давлат сиёсати.

2-шўъба: Ёшлар инновацион фаоллигини оширишнинг илмий-назарий асослари: миллий ва хорижий тажриба.

3-шўъба: Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда ёшларнинг иштироки.

4-шўъба: Ёшларнинг илм-фан, техника ва технология соҳасидаги инновацион ғоялари ва тажрибалари.

5-шўъба: Маданият ва туризм соҳасида инновацион фаолиятни ташкил этиш.

#### Конференция иштирокчилари ва унда қатнашиш шартлари:

Конференцияга ёш олимлар, олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари, докторант ва мустақил изланувчилар, талабалар тақлиф этилади.

#### Конференциянинг асосий тадбирлари:

— Илмий маърузаларни муҳокама этиш бўйича ялпи ва шўъба йиғилишлари;

— Тадқиқот йўналишлари бўйича энг яхши илмий маъруза (мақола) танлови.

#### Конференцияга тақдим этиладиган илмий тезисларга талаблар:

1. Тезислар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган ҳулосалар асосида шакллантирилган амалий тақлифлар ҳамда тавсиялар билан бойитилган бўлиши лозим;

2. Илмий тезисда адабиёт ва бошқа манбалардан фойдаланилганда, ушбу манбаларга ҳавола берилиши шарт, келтирилган манбалар (ҳавола)нинг тўлиқ тафсилотини бериш зарур (интернет манзил, статистика тўплами ёки китоб, нашриёт номи ҳамда йили, фойдаланилган бет ҳамда муаллифи);

3. Конференцияга тақдим этиладиган илмий тезислар ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин;

4. Илмий тезислар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А-4 ўлчовдаги қоғозга, юқоридан ва пастдан 2 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1,5 см. жой қолдириб, 1 нусхада расмийлаштирилади. Тезиснинг номи, муаллифнинг тўлиқ фамилияси, исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, ташкилот номи ва лавозими, электрон манзили кўрсатилади. Сўнгра 1 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нусхаси Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталигида, 3-5 бетгача ҳамда бўлиши лозим.

Ҳар бир илмий тезис ўзида учта жиҳатни акс эттириши талаб этилади:

— **Кириш** (мавзунинг долзарблиги ва мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги устувор йўналишларга мос келиши);

— **Асосий қисм** (мавзуга доир маълумотлар базаси ва унинг илмий таҳлили);

— **Хулоса** (туғалланган хулосалар ва шу асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тақлифлар, амалий тавсиялар).

**Конференцияга илмий тезисларни тақдим этиш муддати:**

Конференцияда қатнашиш истагини билдирганлар 2019

#### Иштирокчи муаллиф ҳақида маълумот

Муаллиф фамилияси, исми ва отасининг исми	
Йўналиш	
Тезис сарлавҳаси	
Муаллиф илмий даражаси ва унвони	
Иш жойи	
Лавозими	
Боғланиш учун телефон (шаҳар коди билан)	
e-mail:	



**ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИ ТИББИЁТ  
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ**

8 март — Халқаро хотин-қизлар  
кунни муносабати билан барча  
аёлларимизни, меҳрибон оналар,  
дилбар опа-сингиллар,  
гўзал қизларимизни самимий  
муборакбод этади!

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ  
ЁШИ ТОМОШАБИНЛАР  
ТЕАТРИ ЖАМОАСИ**

Муътабар онахонларимиз, мунис  
опа-сингилларимизни Халқаро  
хотин-қизлар байрами билан  
самимий табриклайди.



**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**



**ҚўНФИРОТ ТУМАНИ  
“УСТЮРТ ҚИДИРУВ  
БУРҒУЛАШ БОШҚАРМАСИ”  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

Барчамиз учун азиз ва муқаррам бўлган  
онахонларимизни, меҳрибон опа-сингилларимизни  
гўзаллик ва нафосат айёми —

**8 Март**

байрами билан самимий муборакбод этади.



# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Бутун мамлакатимиз аёлларини,  
муҳтарама онахонлар, қадрли  
она-сингилларимизни*

**8** *Март — Халқаро хотин-қизлар куни*

*билан самимий табриклайди.*

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!





Бизнинг шарҳ

# ҲУҚУҚИНГИЗ БУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

**Халқаро ҳуқуқ муносабатларида хотин-қизлар масаласига алоҳида ўрин берилган. Жумладан, 1952 йил БМТ Бош ассамблеяси хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни, инсоният тарихида илк бор уларнинг овоз бериш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни қабул қилди.**

1980 йили бўлиб ўтган БМТнинг халқаро конференциясида 10 йил ичида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш борасида амалга оширилган ишлар ва бу борада эришилган ютуқлар юқори баҳоланди.

1985 йилда БМТнинг махсус конференциясида хотин-қизларнинг ҳаётини яхшилашга доир стратегия қабул қилинди. 1994 йилда Қоҳирада бўлиб ўтган конференцияда эса биринчи марта хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш тараққиёт талабларининг ажралмас қисми эканлиги қайд этилди.

Бугун ривожланган давлат қуриш сари одимлаётган ҳар қандай мамлакат бирор устувор вазифани аёллар иштирокисиз ҳал эта олмайди. Ҳаёт ҳақиқати — тарих ва бугунги тажриба буни исботлаб турибди.

Дунёда байрамлар кўп. Лекин улар орасида аёлларни мадҳ этувчи байрам яққо ягона. Кўплаб давлатларда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни аёлга эҳтиром, меҳрибонлик ва гўзаллик байрами сифатида нишонланади. Лекин унинг пайдо бўлиш тарихини ҳамма ҳам билдимми?

...1857 йилнинг 8 март куни Нью-Йоркдаги пойфазал, тўқимачилик ва тикувчилик фабрикаларида ишловчи хотин-қизлар ўз ҳуқуқларини талаб қилиб намойишга тўпланади. Ушанда аёлларнинг аҳволи ниҳоятда оғир, кунига 16 соатлаб меҳнат қилишса-да, жуда ҳам кам ҳақ тўланарди. Шу боис улар иш кунини 10 соатга туширилиши, аксинча маошнинг оширилиши, яъни, эркаклар билан тенга-тенг ҳақ тўланишини талаб қиладилар. Уша пайтда бу намойишларда илгари сурилган талаблар қондирилади. Қолаверса, айнан шу йили АҚШда аёлларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи берилди.


Кейинчалик, яъни 1909 йилдан 1913

йилга қадар Америкада февраль ойининг сўнги яқшанбаси хотин-қизлар куни сифатида нишонланиб келинган. Хотин-қизларнинг 1910 йилда бўлиб ўтган халқаро конференциясида 8 марта кенг миқёсда байрам қилиш таклифи илгари сурилиб, маъқулланди. Ва бу байрам 1911 йилдан бошлаб Дания, Германия, Швейцария ва Австрияда хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадидаги халқаро бирдамлик куни сифатида нишонлана бошланди...

Халқаро Хотин-қизлар куни (International Women's Day) — халқаро байрам бўлса-да, шу куни жаҳон мамлакатларида хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда қўлга киритган муваффақиятлари таҳлил қилинар ҳамда келажак орузлари белгилаб олинарди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 8 март санасини Халқаро хотин-қизлар куни этиб расман 1975 йилда эълон қилган. Унинг қарорига кўра, байрамнинг рамзи бинафшаранг тасма ҳисобланади. 1977 йил БМТ ўзининг алоҳида резолюцияси билан 8 мартни аёллар ҳуқуқлари учун курашиш куни — Халқаро хотин-қизлар куни сифатида нишонлашни қайтадан тақлим қилди.

Афсуски, ушбу кун дунёнинг барча давлатида ҳам байрам тарзида нишонланавермайди. Айрим мамлакатларда бу сана дам олиш куни эмас, баъзиларида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини чеклаш ҳолатлари кўзатилади. Маълумотларга кўра, Ер юзидagi тахминан 3,3 миллиард аёлнинг қарийб ярми ҳамон бугунги давр тараққиётдан ортада қолган ҳолда яшамоқда. Камситилиш, ҳуқуқларининг поймол қилиниши, таълимдан бебахралик каби иллатлар уларни ҳали ҳам четлаб ўтмаган.

Дунё мамлакатларида хотин-қизларнинг таълим олиш, сиёсат майдонида фаолият юритиш каби ҳуқуқларини кафолатловчи қонунлар қабул қилина-



ётган, мавжудлари такомиллаштирилган бир вақтда асрлар давомида мавжуд бўлиб келган муаммолар ҳамон барҳам топмагани ҳам айна ҳақиқат. Айтиш мумкинки, ҳатто иқтисодий ривожланган баъзи давлатларда ҳам аёллар ҳуқуқи муҳофаза қилинмаган ҳолатларга гувоҳ бўлиш мумкин. Қашшоқ ва қуролли тўқнашувлар давом этаётган бир қатор мамлакатларда эса энг аввало аёллар жабр чекмоқда.

Саводхонлик — инсоннинг макмини белгиловчи омиллардан бири. Бироқ айрим мамлакатларда хотин-қизлар таълим олишда муаммоларга дуч келаяти, яъни, уларнинг бу борада ҳуқуқини мавжуд бўлса-да, ота-оналар қизларининг ўғирланишидан хавотир олиб, фарзандларини мактабга юбормаслик ҳолатлари учраб туради.

Соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, ҳаёт сифати ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш инсониятнинг доимий истаги бўлиб келган. Бироқ шунга қарамай, жаҳоннинг турли мамлакатларида эрта никоҳ, тиббий кўриқдан ўтмаслик, бошқа турли иллатларнинг салбий оқибати натижасида ногирон фарзандлар дунёга келиши билан боғлиқ муаммолардан асло қўз юмиб бўлмайди.

Бугун дунёда оилавий кадрлар билан боғлиқ рўй бераётган глобал ўзгаришлар оила деб аталмиш муҳим

ижтимоий институт мақомининг дарз кетишига олиб келмоқда. Тадқиқотлар натижасида бир қатор мамлакатларда аёллар ҳуқуқлари камситилиши, оилада зўравонлик ҳолатлари аниқланган. Бу борада экспертлар Мали, Марокаш, Кот-д'Ивуар, Мавритания, ва Ямани мисол сифатида келтиради. Айрим давлатларда зўравонлик қурбонлари бўлган аёлларнинг ҳимоя қилинмаслиги ёки эри, ака-укаси ҳамроҳлигисиз уй ҳаллаб қўчага чиққан "охира"нинг жазолини янада ачинадир. Ҳолбуки, хотин-қизларнинг турмуш тарзи яхшиланиши йўлида қашшоқ ёки бадавлат мамлакат бўлишидан қатъий назар, уларга ўз тақдирини ўзи белгилаши учун танлов ҳуқуқи берилиши шарт.

Дунё аҳолисининг 49,7 фоизини аёллар ташкил қилади. Бугун хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишига оил жиноятлар сайёрамизнинг барча нуқтасини қамраб олиб, глобал тус олмақда — ҳар уч аёлдан бири у ёки бу даражада зўравонлик туфайли жабрдийдага айланган. Жаҳон ҳамжамияти томонидан мазкур глобал муаммога қарши курашиш, унинг олдини олиш, жабрланганларни ҳимоялаш борасида барча ҳуқуқий асос ва механизмлар яратилган бўлса-да, зўравонлик жиноятининг олдини олиш ва унга чек қўйиш бўйича зарур чоралар қўрилмас экан, кўзланган натижага эришиш орзу

бўлиб қолаверади. Масалан, Кенияда ҳар ҳафтада бир, Замбияда эса беш нафар аёл эри ёки яқин қариндоши зулми оқибатида қурбон бўлмоқда. АҚШда ҳар 15 сонияда бир аёлнинг калтакланиши, ҳар 90 сонияда жинсий зўравонлик қурбонига айланиши доимийлик касб этган. Ёки Бангладешдаги умумий қотиллик жиноятининг 50 фоизини оилавий можаро қурбонлари ташкил этаётир. Жанубий Африкада ҳар куни 147 аёл, Францияда эса йилига 25 минг аёл жинсий зўравонликдан жабр чекмоқда.

Ўз ҳуқуқини билган инсон ҳеч қачон адашмайди, жамиятда ўз ўрнини топади. Афсуски, Афғонистонда 35 йилдан бери давом этаётган уруш туфайли аёлларнинг катта қисми саводсизлигича қолаётир. Мазкур мамлакатда келинлик либосини кийётган қизларнинг ярмидан кўпи 16 ёшга ҳам тўлмагани янада ачинарлидир. Тарқатиллаётган хабарларга ишонилса, мамлакат аёлларининг 87 фоизи зўравонлик қурбонига айланиб улгурган. Қолаверса, кўп йиллик уруш оқибатида бева қолган миллионлаб аёлларнинг аҳволига деярли ҳеч ким эътибор қаратмайди. Афғонистон — жонига қасд қилувчи аёллар сони бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Бугунги кунда бу ерда аёлларнинг ўртача умр кўриши 45 йилни ташкил қилади, холос.

Фуқаролар уруши давом этаётган Конго Демократик Республикасида ҳам аёллар бешафқат зўравонлик жабрдийдаларига айланган. Айрим аёллар бевақт ҳалок бўлмоқда, айримлари ОИТС касаллигига чалинмоқда. Боқувчисиз қолган аёллар эса бир бурда нон ва сув илинжида ҳар қандай зўравонликка чидашга мажбур бўлаётир.

Аёллар ҳуқуқи камситилгани яна бир мамлакат — Гватемала. Бу ерда хотин-қизларга мунтазам паст табақа вакиллари сифатида қаралади. Сомали пойтахти Могадишода давом этаётган қуролли тўқнашувлар туфайли зўравонлик, бошбошдоқлик авж олган ва қуролли гуруҳлар ҳужумининг дастлабки жабрдийдалари ҳам хотин-қизлар бўлмоқда.

Бир вақтлар Ироқ давлати араб дунёсида хотин-қизлар саводхонлиги бўйича олдинги қаторда бўлган. Бироқ бу мамлакат кейинги йилларда бошидан ўтказган уруш амалиёти аёллар аҳволини анча оғирлаштирди. Эндиликда эса хотин-қизлар ўртасидаги саводхонлик даражаси минтақадаги бошқа давлат-

ларниқидан тушиб кетди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё мамлакатларида аёлларнинг ўртача ёши эркакларникига нисбатан 4 йил кўпдир. Иқтисодий тараққиёт этган 46 мамлакатда бу кўрсаткич ўртача 80 ёшни ташкил қилса, Африка мамлакатларида аёллар ўртача 58 йил умр кўради, холос.

Ачинарлиси, урушлар оқибатида аёллар айбисз айбдорларга айланади. Жабрдийдаларнинг 90 фоизи аёллар ва болалар бўлган бир вақтда тинчлик жараёнлари иштирокчиларининг атиги 8 фоизини, тинчлик битимига имзо қўйганларнинг эса бор-йўғи 3 фоизини хотин-қизлар ташкил қилар экан.

...Аёл — ҳаёт давомчиси, миллат келажига, латофат ва нафосат соҳибаси. Аёлларга эҳтиром кўрсатган, уларни эъзозлаган, авайлаб-асраган юртинг келажига ҳам порлок.

Ўзбекистонда 8 март — расман дам олиш куни. Бу кун мамлакатимизда Халқаро хотин-қизлар байрами сифатида кенг нишонланади. Бугун Ўзбекистон дунё давлатлари орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, оилга кўмак қўрсатиш, она ва бола соғлигининг ҳуқуқий кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган.

Хотин-қизларнинг жамиятимиз ҳаётидаги фаоллиги, янгилликлар яратишдаги иштироки йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар орасида таниқли давлат ва сиёсат арбоблари, донгдор ишбилармон ва фермерлар, эл орасида катта обрў қозонган шифокор ва мураббийлар етишиб чиқаётгани бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир. Қайси соҳада бўлмасин, хотин-қизларнинг Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати, мамлакатимизда ёш авлодни — жисмонан соғлом, маънан етуқ, интеллектуал ривожланган йигит-қизларни тарбиялашга қўшаётган улкан ҳиссаси муносиб баҳоланмоқда.

Ҳар қайси жамиятнинг маданий савияси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан ўлчанар экан, аёлга, онага ҳурмат — халқимиз учун юксак бурч ва шараф, миллий қадрият ҳисобланади.

**Шарофиддин ТўЛАГАНОВ,**  
халқаро шарҳловчи

Reklama

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ**  
**“ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ГАЗ”**  
**ФШШШ ЖАМОАСИ**

**UZTRANSOAZ**

**Азиз она-сингиллар!**  
**гўзаллик ва нафосат**  
**айёми билан**  
**таб риклай.миз.**

**март**

**Барчангизга сизат-саломатлик, бахту саодат,**  
**каедий фаолиятингизда**  
**каттадан-катта зафарлар тилаб қоламиз!**

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

Хизматлар лицензияланган.

Рангин дунё

## МЎЪЖИЗА ИНШООТ

лойиҳалаштириладиган янги уйга шундай таъриф берилмоқда



**"Dynamic Tower" иншооти навбатдаги дунё мўъжизаларидан бирига айланиши мумкин. Бу бинони Дубайда қуриш мўлжалланган: у ўз шаклини ойнинг ҳолати ёки эгасининг хоҳиши ва кайфиятига қараб ўзгартира олади.**

Италиялик архитектор Давид Фишер айланувчи уй ғоясини Дубай шаҳрида синаб кўрмоқчи ва ушбу иншоот концепциясининг видео тарзидаги кўргазмали намойишини ишлаб чиқди.

"Dynamic Tower" айна дамда лойиҳалаш жараёнида. У 80 қаватдан иборат бўлиб, баланглиги тахминан 388–420 метрга етади. Бинонинг ҳар бир қавати ўз ўқи атрофида алоҳида айланади. Бунда об-ҳаво шароити, қуёш ва ойнинг ҳолати ёки хонадон эгасининг истаги инобатга олинади.

Тонда ойнадан тушган қуёш нури сизни уйғотишини ва уйдан чиқмай туриб оловрангга бурканган шафқатқа термулган ҳолда кечки овқатни тановул қилишни аслида тасаввур қилиш ҳам қийин. Бундай ҳолат табиийки анъанавий усулда барпо қилинган уйларида учрамайди. Чунки қуёш бир тарафдан чиқиб, бошқа тарафга ботиши табиатнинг ўзгармас қонунларидан.

Бундан ташқари, айланувчи уй элек-

тостанция ҳам ҳисобланади. У энергия билан нафақат ўзини, балки яқин атрофдаги уйлари ҳам таъминлаши мумкин. Бунинг учун қаватлар орасида бир қарашда кўзга ташланмайдиган шамол трубиналари жойлаштирилади. Осмонўпар бинодан 79 та ана шундай мосламалар ўрин олади. Бу эса иншоотнинг ҳақиқий электростанцияга айланишини таъминлайди.

Шунингдек, архитектор лойиҳасига кўра, бино қаватларининг айланиши натижасида ҳам электр ишлаб чиқарилиши мумкин. Давид Фишернинг дунёга "Rotating Tower Technology Company" номи билан машҳур компанияси лойиҳалаштирган айланувчи бинонинг қурилиш технологияси ягона асос атрофида бирлашадиган алоҳида қаватлардан иборат. Бунда қаватлар бир-бирига алоқадор бўлмай, ўз ўқи атрофида 360 даражада айлана олади.

Лойиҳага кўра, бинода кўплаб

бассейн, боғ ва ҳатто автомобилларни эгаларининг хонадонига қўтариб чиқувчи лифтгача бўлиши кўзда тутилган. Ҳар бир қаватнинг майдони 420 квадрат метрни ташкил этади. Бинога ўрнатилган шамол трубиналари жами 1 миллион икки юз минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқаради.

Шуни таъкидлаш керакки, "Dynamic Tower" даги хонадонларга инвесторлар томонидан талаб катта бўлса-да, "Rotating Tower Technology Company" иншоот қурилиши учун ҳали ҳеч қандай молиявий асос яратиб беролмаяпти. Шунингдек, аввалдан савдога қўйилган хонадонларнинг ҳам ҳали ҳеч бири сотилмаган. Айланувчи бинонинг қурилиши 540 миллион долларга баҳоланмоқда.

**М.АБДУЛЛАЕВ**  
тайёрлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши таникли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди

**Омонулла МАДАЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши халқ депутатлари Қизилриқ туман Кенгаши депутати Жуманазар Зокировка отаси

**Тўймурод БОБОНИНГ** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши партия фаоли, кенгаш аъзоси Комилжон Отахоновга онаси

**Ҳамиддахон ҲОЖИ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



## Тараддуд

## БАХШИЛАР ЮРТНИ КУЙЛАЙДИ

мамлакатимизда бу йил илк бор халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилади

Фольклор — барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси. Ҳар бир халқнинг миллий ўзлиги, аввало, унинг куй-қўшиқлари, урф-одатлари ва маросимларида намоён бўлади. Ўзбек халқ санъати ижодиёти дурдоналари неча минг йиллардан буйи ривожланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Халқимизнинг ўзидай донишманд, улуг ва боқий бу мерос ўзбек номини ҳар ерда ва ҳар доим улуглайди. Чунки асл фольклор асарлари мағзида инсон камолоти учун хизмат қиладиган ғоя туради, у халқнинг боқий тарихини ўзида акс эттиради, уни келгуси авлодларга етказиши.



бошлаб берди.

Халқаро фестивал Сурхондарё вилояти марказида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши нафақат бахши-шоирлар, балки бахшичилик ва дostonчилик санъатини ўрганаётган ёшлар, айниқса, илмий тадқиқот олиб бораётган олимларни беҳад мамнун қилди. Эл дарду ташвишини, қувончини куйлаб ўтган бахши-шоирлар ҳаёти ва ижодини янада чуқур ўрганишга, нодир дostonларимизнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилишга ундамоқда.

Шу йил 5–10 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтказиладиган халқаро бахшичилик санъати фестивалига пухта тайёргарлик кўриш бўйича Маданият вазирлиги, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамкорлигидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

— Фестивални ўтказишдан асосий мақсад — Шарқ халқлари халқ оғзаки ижодиётининг юксак намунаси бўлган бахшичилик санъати, фольклор анъаналари ва қадриятларини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, ёшларимизни аждоқлар меросига садоқат руҳида тарбиялаш, бахши-шоир, оқин, жировлар ижодининг маданият ва

санъатдаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш, маданий-маънавий муносабатларни халқаро миқёсда кенгайтиришдан иборат, — дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Ҳайдаров. — Фестивалда юртимиз ва хорижлик бахшиларнинг якка концертлари, бахши-шоир, оқин, жиров ҳамда фольклор жамоаларининг халқаро кўрик-танлови, сайиллар, бахшичилик санъати тарихига оид турли тилда чоп этилган илмий-тадқиқот асарлари, илмий-маърифий адабиётлар кўргазмалари, миллий соз, либослар, хунармандчилик маҳсулотлари, бадий, ҳужжатли фильмлар, фотосуратлар намойиш этилади. Шунингдек, фестивал доирасида бахшичилик санъатини ўрганиш, уни муҳофаза қилиш, ривожлантириш муаммоларига оид илмий-амалий конференция ўтказиш ҳам режалаштирилган. Анжуманида республикамиз ва хорижда мазкур соҳада тадқиқот, илмий изланиш олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчи ва талабалар ҳам маърузалари билан иштирок этиши кутилаётди.

Иштирокчиларнинг чиқишлари юқори малакали мутахассислар, таниқли санъат ва маданият арбоблари, олимлар, тадқиқотчилар, шунингдек, иштирокчи давлатларнинг тегишли соҳалар намояндalarидан иборат халқаро ҳайъат аъзолари томонидан дoston ижрочилиги ва чолғу ижрочилиги йўналиши бўйича баҳоланади. Баҳолаш жараёнида дostonчилик санъати намуналарининг асл миллий хусусиятлари, иштирокчилар ижро этадиган куй, нағма ва термаларнинг бадий-эстетик жиҳатлари, ўзига хослиги, халқ ижрочилиги

усулларини эгаллаганлик даражаси, кийиниш, сахна маданияти, либослардаги бадий безакларнинг миллий анъаналарга мослиги, анъанавий мусиқа асбобларидан фойдаланиши жиҳатларига алоҳида аҳамият қаратилади. Танлов голиблари Ташкилий қўмита томонидан диплом, статуётка ва пул мукофоти — 1-ўринга (ҳар бир йўналиш бўйича) 10000, 2-ўринга 7000, 3-ўринга 5000 АҚШ доллари миқдорида мукофот берилади. Ижрочилар, шунингдек, “Энг ёш бахшичилик санъати иштирокчиси”, “Мухлислар эътирофига сазовор бўлган энг яхши иштирокчи”, “Энг яхши чолғу ижрочиси” каби номинациялар бўйича ҳам пул мукофоти ва махсус диплом билан тақдирланадилар.

Бир сўз билан айтганда, Алпомишлар юртида бўлиб ўтадиган халқаро бахшичилик санъати фестивали аждоқлардан мерос ноёб бу санъатни дунёга кенг тараннум этиш, ўзбек дostonчилиги ҳамда бошқа халқларнинг турдош ва номдош фольклор жанрларини қамраб олиш, улар билан илмий, ижодий мулоқотлар ўтказиш ва ҳамкорлик қилиш, маданий-маънавий муносабатларни халқаро миқёсда кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз. Қолаверса, устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириб келаётган хорижий ва юртимиз бахшилари, фольклор жамоалари ижоди билан яқиндан танишиш, улар ижроларидан баҳраманд бўлиш, ёш бахшиларнинг ўз санъатини намоён қилиши учун кенг майдон вазиасини бажариши билан ҳам аҳамиятлидир.

**Назokat ЮСУФЖОНОВА,**  
Республика маданият муассасалари фаолиятини таъкил этиш илмий-методик маркази бўлим бошлиғи

## Кутлов



**Ўзбекистон**  
**“Миллий тикланиш”**  
**демократик партияси**  
**Марказий кенгаши**  
**партиямиз сафидаги барча**  
**аёлларни 8 март — Халқаро**  
**хотин-қизлар куни**  
**билан самимий муборакбод этади.**

**Сизлар қаерда ва қайси**  
**лавозимда фаолият юритманг,**  
**уларнинг барчасида ўз**  
**салоҳиятингиз ва тажрибангизни,**  
**аёллик ва оналик**  
**меҳрингизни тўлиқ**  
**намоён этиб, бор билим ва**  
**малакангизни, куч-ғайратингизни**  
**эзгу ишларга бахшида**  
**этиб келмоқдасиз.**

**Биз Сизлардаги нафислик,**  
**садоқат, ҳалоллик ва самимийлик**  
**фазилатларини ҳамиша юксак**  
**қадраймиз.**

**Ушбу шодиёна кунда Сизларга**  
**муштақкам соғлиқ, узоқ умр,**  
**оилавий хотиржамлик,**  
**бахт саодат тилаймиз.**

**Ҳаётингиз боқий, эзгу**  
**ишларга бой ва мангу**  
**мунаввар бўлсин!**



## /// Реклама ўрнида

## Солиқ тизимидаги ўзгаришлар — банк ходимлари нигоҳида

Мамлакатимизда шу йилдан бошлаб солиқ тизимида бир қатор янгилик ва ўзгаришлар амалга киритилди. Бу эса ана шу янгиликлар мазмун-моҳиятини солиқ тўловчиларга тушунтириш, уларга кўмаклашиш, ислоҳотларни сифатли амалга ошириш, тарғибот ишларини манзилли ташкил этишни тақозо этади.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони ҳамда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва солиқ тўловчиларга кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда ўқув-семинарлар, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

“Агробанк” акциядорлик тижорат банкида бўлиб ўтган “Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг моҳияти ва асосий жиҳатлари” мавзусидаги ўқув-семинар ҳам айна шу мақсадга қаратилди.

Тадбирда қишлоқ хўжалик фан-

лари доктори, академик Жўракул Сатторов, Банк-молия академияси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Исломбек Ниязметов ҳамда банк раҳбар ходимлари, тадбиркорлар иштирок этди.

Ўқув-семинарда қулай рақобат муҳитини яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкларини камайтириш, юртимизнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш концепциянинг асосий мақсад-вазифаси экани алоҳида таъкидланди.

— Мамлакатимизда қўлланилаётган даромад, фойда, мол-мулк, қўшилган қиймат солиқлари, ягона ижтимоий тўлов ҳақида қонун ва қарорда келтирилган янгилик ва ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотлар тараққиёти ва муваффақиятида муҳим ўрин тутди, — деди Банк-молия академияси профессори, иқтисодиёт фанлари



доктори Исломбек Ниязметов. — Албатта, бундай ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда янги ва адолатли солиқ тизимига ўтишдан иборат. Хусусан, жисмоний шахслардан олинadиган солиқ ягона ставкасининг 12 фоиз миқдорида белгила-ниши натижасида тадбиркорларга бир қатор енгилликлар яратиб бериляпти. Бундай жараён алаоқибат ходимларни рағбатлантириш, қўшимча шароитлар яратиш, ишчининг ўз ишидан мамнуният ҳиссини туйишига олиб келади.

Тадбирда “Агробанк” АТБ ходимлари ва унинг мижозларига қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни

тақдим этиш, бюджет билан ўзаро муносабатлар ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хусусида кенг маълумотлар берилди.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, унинг ижтимоий ҳаётга таъсири, солиқларнинг соддалаштирилиши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, бизнесни хуфёна иқтисодиётдан очиқ ишлашга чиқариш ҳамда инвестицион жозибдорликни ошириш каби масалалар юзасидан тақдимотлар ўтказилди.

Ўқув-семинарда “Агробанк” АТБ ходимлари ва барча иштирокчилар солиқ сиёсати концепцияси, солиқ қонунчилигига киритилган янгилик ва ўзгаришлар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган ҳар бир жараёнда қўшимча қиймат солиғини жорий этиш тартиб-қоидалари хусусида тушунчага эга бўлдилар.

Мулоқотда тадбиркорлар ва “Агробанк” мижозлари саволларига мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

**Банк матбуот хизмати**



VATAN TUVU' USI HAR NARSADAN USTUN  
**MILLIY TIKLANISH**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “Миллий тикланиш” демократик партияси

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Мухаммадjon ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ

**Бош муҳаррир:** Бехзод НОРБОЕВ

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавий, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади.

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 326, Адади — 3514. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

**Навбатчи муҳаррир:** Мухтарам КОМИЛОВА

**Навбатчи:** Равшанбек МАҲМУДОВ

**Саҳифаловчи:** Жалолддин УРИНОВ

**Электрон почта:** e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 00.25. УЗА якуни — 23.25

ISSN 2010-7714



12 456